



**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ГУЛИСТОН, ШИРИН, ЯНГИЕР ШАҲАРЛАРИ ВА БОЁВУТ,
ГУЛИСТОН, МИРЗАОБОД, ОҚОЛТИН, САЙХУНОБОД, САРДОБА, СИРДАРЁ,
ХОВОС ТУМАНЛАРИ ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ЙИФИШ, САРАЛАШ
ВА СОТИШ БҮЙИЧА КЛАСТЕРИНИ ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА
ХУСУСИЙ ШЕРИККА ТОПШИРИШ БҮЙИЧА**

ЛОЙИХА БАҲОЛАШ ХУЖЖАТИ

Toшкент 2022

Мундарижа

1. Резюме	3
2. Молия бўлими.....	11
3. Ижтимоий бўлим.....	18
4. Маркетинг тадқиқотлари бўлими	24
5. Техник-технологик бўлим	32
6. Экологик бўлим.....	41
7. Институционал бўлим	44
8. Архитектура-қурилиш бўлими	47
9. ДХШ тўғрисидаги битимнинг тузилмаси.....	48
10. Давлат томонидан тақдим этиладиган қўллаб-куватлаш турлари.....	49
11. Лойиҳани амалга ошириш режаси	50
Хулоса.....	52

1. Резюме

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида қаттиқ майший чиқиндилар аҳоли жон бошига ҳар йили 1 фоизга ошмоқда. Ҳозирги кунда чиқиндиларнинг 800 дан ортиқ тури қайд этилган бўлиб, улар сонининг келгусида янада ортиши башорат қилинмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Японияда резина ва кабел буюмларининг 34 фоизи, шиша буюмларнинг 43 фоизи, қофоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндини қайта ишлаш эвазига олинаркан. Бу борада Хитой тажрибаси янада ҳайратланарли. Улар алюминий, темир, мис каби металлардан ясалган буюмларнинг 33 фоизини, жун, ипак, чарм-атторлик буюмларининг 34 фоизини турли чиқиндиларни қайта ишлашдан олишади.

Айтиш жоизки, атроф-мухитни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларидан муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик тоза технологияларни амалиётга татбиқ этиш муаммолари билан узвий боғлиқдир.

Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда республикамида йилига 100 миллион тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси (унинг 14 фоизи токсик чиқиндилар тоифасига мансуб), 35 миллион тоннага яқин майший чиқинди ҳосил бўлади. Чиқиндихоналар ва чиқинди саклаш омборхоналарида 2 миллиард тоннага яқин саноат, қурилиш ва майший чиқинди сақланаётгани ҳамда улар 12 минг гектар майдонни эгаллаб турганини инобатга олсақ, чиқиндиларнинг салбий таъсирини тасаввур этиш қийин эмас.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ишлари, йилдан-йилга кенгаяётган кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш сектори табиий равишда чиқиндини тўплаш ва қайта ишлаш тижоратини кенгайишига хизмат қиласи. Ушбу кенгайиш эса соҳага хусусий ишбилармонларни жалб қилиш, бу борада давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида фаолият олиб борувчи корхона ташкил қилишни талаб этади.

Лойиҳани технологик ва молиявий харитасини тузишда бирламчи маълумотлар ва уларнинг ишончлилиги жуда муҳим маълумот ҳисобланади. Шунинг учун давлат-хусусий шерикчилиги доирасидаги лойиҳаларда асосий бирламчи маълумотлардан бу бир кишига тўғри келувчи кунлик ҚМЧ нормаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур норма 2 хил манбаада турлича келтирилган:

1. 27.08.2011 й.да ишлаб чиқилган 0297-11-рақамли санитар қоидалар ва нормаларга муфовиқ 1 киши учун ҚМЧ миқдори 1.17 кг деб қабул қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан вилоятларда ўтказилган эксперимент натижалари кўра Сирдарё вилоятида 1 киши учун ҚМЧ миқдори 0,75 кг деб қабул қилинган (иловада келтирилади).

Лойиҳанинг номи

Сирдарё вилояти Гулистон, Ширин, Янгиер шаҳарлари, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сардоба, Сирдарё, Ховос туманларида қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, ташиб, саралаш кластер хизматларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида бошқариш.

Ташаббускор ҳақида

Сирдарё вилоятидаги мазкур Давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш режалаштирилган лойиҳанинг ташаббукори Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024 сонли президент фармонига асосан, собиқ Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўрнига ташкил этилган.

Лойиҳанинг ҳисоб-китоб қилинган умумий қиймати

ДХШ асосидаги ушбу лойиҳанинг провард мақсади бўлиб Сирдарё вилоятида чиқинди саралаш бўйича тўлиқ (100%) даражада қамраб олиш ҳисобланади. Ушбу лойиҳада давлат тақдим этган асосий воситалар ва хусусий шерикка сотиб олиш таклиф қилинадиган асосий воситалар қатнашади. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати **41 169 139,59** минг сўмни ташкил қиласди.

Лойиҳа амалга ошириладиган манзил (вилоят, туман, шаҳар)

Сирдарё вилояти – Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1963 йил 16 февралда ташкил этилган. Шимолдан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Тошкент вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси ва ғарбдан Жиззах вилояти билан чегарадош. Майдони 5,3 минг км². Аҳолиси 860 900 киши (2021). Таркибида 9 туман (Боёвут, Гулистон, Мехнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Ховос, Сардоба), 5 шаҳар (Гулистон, Бахт,

Сирдарё, Ширин, Янгиер), 6 шаҳарча (Боёвут, Дехқонобод, Дўстлик, Пахтаобод, Сайхун, Ховос) бор. Маркази — Гулистан шаҳри.

Табиати

Рельефи, асосан, тўлқинсимон текислик бўлиб, жанубидан шим.ғарбга пасайиб боради. Мирзачўл даштининг бир қисми вилоят ҳудудига киради. Бал. шим. ғарбида 230 м, марказий қисмида 400–450 м, жан. ва жан.ғарбда 600–650 м. Шарқида кенг Сирдарё водийси жойлашган. Мезозой ва кайнозой даврида, асосан, чўкинди жинсларнинг қалин қатлами билан қопланган. Шўрўзак, Мирзаработ, Сардoba каби ботиқлар мавжуд. Текислик қисми дарёлар оқизиб келтирган ётқизиклардан ҳосил бўлган, баъзи жойларини кўл, ботқоқ ва шўрхок ерлар эгаллаган. Сирдарё вилоятида янги каналлар, зовурлар қазилиб, чўл ўзлаширилди ва экин майдонларга айлантирилди. Текислик қисмида ирригация иншоотлари қурилиб, пахтазор, боғ ва токзорлар барпо қилинди. Адирлар лалмикор ерлар ва яйловлардан иборат.

Об-ҳавоси кескин ўзгарувчан ва қуруқ. Йиллик ўртacha температураси 14° . Январнинг ўртacha температураси шимолида -6° , жанубида -2° . Қишида ҳаво тез совийди ва урта -30° гача (Гулистанда -35°) пасаяди. Баъзан, қиши ўрталарида ҳаво бирданига исиб, кейин совиб кетади. Кеч кўкламда ва эрта кузда ҳам кора совуқ тушиб ўсимликнинг ўсиш даврини қисқартиради. Ёзи қуруқ ва иссиқ. Июннинг ўртacha температураси $27-29^{\circ}$. Ёзда тра $32-45^{\circ}$ гача кўтарилади. Кўпинча иссиқ шамол (гармсел) тупроқни қуритади ва ўсимликлар ривожланишига ёмон таъсир қиласи. Вегетация даври 218 кун. Йиллик ёгин 180–220 мм, асосан, қишида ёғади. Ёзда кучли буғланиш сабабли ер ости сувлари юза майдонларнинг (Шароф Рашидов, Оқолтин, Гулистан туманлари) тупроғини шўр босади. Ноябрдан марта гача теззез эсиб турадиган "Бекобод шамоли" тезлиги 20–25 м/сек. (Боёвут туманида 40 м/сек.)га етади. Баҳорда эсадиган бу хилдаги шамол униб чикаётган ғўзаларни баъзан нобуд қиласи. Кейинги йилларда ихота дараҳтзорлари барпо қилинди. Тупроқлари, асосан, оч тусли қучсиз жойлашган бўз тупроқ бўлиб, кам ва ўртacha шўрланган, механик тартибиға кўра, қумоқ ва соз тупроқлардир. Текисликларда шўрхок ва шўрхоксимон тупроқ учрайди. Ер ости сувининг чуқ. 5–6 м. Шўрўзак массивида, ҳали ўзлаширилмаган пастқам жойларда шўрхоклар кенг тарқалган. Суғориладиган ерларнинг 32% шўрланган, 25% қучсиз шўрланган, 16% шўрхоклардан иборат. Ўсимликлардан лолақизғалдоқ, бойчечак, чучмома, қоқи ялпиз, исмалоқ, янтоқ, шўра, шувоқ, кўнғирбош, кўзиқулоқ, туютовон, қуёнсуяқ, жузғун, қовул, оккурай, қилтиқ, каррак, ранг, илок, бетага, қиёқ, қамиш, юлғун, оқбош, қушқўнмас, наъматак, мингбоши,

читир, ғумай, печак, саксовул, ҳар хил буталар, жийда, дўлана, тол, терак, қайрағоч, оқ акация, заранг, шумтол ва бошқа ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан: жайра, тулки, бўри, чиябўри, қобон, жайран, нутрия, ондатра, кўрсичқон, сувкаламуш, типратикан, юмронқозиқ, калтакесак, илон, тошбақа, фаланга, чаён, қорақурт; қушлардан хўжасавдогар, мойкут, булдуруқ ва бошқа бор.

Аҳолиси

Сирдарё вилоятида, асосан, ўзбеклар (60%), шунингдек, қозоқ, тожик, рус ва бошқа 70 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. 1 км² га 162 киши тўғри келади (2021). Қишлоқ аҳолиси 494,2 минг киши, шаҳар аҳолиси 366,7 минг киши.

Хўжалиги

Сирдарё вилояти республиканинг йирик пахтачилик базаларидан бири. Вилоят хўжаликлари, асосан, пахта етиширишга ихтисослашган. Саноати пахтани ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган.

Саноати

20-аср бошларида вилоятда бир неча майда корхона бор эди. 1970 йилларда 8 пахта тозалаш заводи, 29 пахта қабул қилиш пункти бўлган. Пахта заводларидан чиқкан пахта толаси Болгария, Полша, Куба, Чехословакия, Туркия, Африка мамлакатларига жўнатилган.

Сирдарё вилоятидаги 10774 та корхонадан 10129 таси кичик ва ўрта бизнес корхонаси, шундан 8557 таси микрокорхона ва 1282 таси кичик ва 290 таси ўрта корхоналардир.

Вилоятда хорижий инвестиция иштирокида 39 та корхона фаолият кўрсатади. Улардан 35 таси қўшма корхонадир. Қўшма корхоналардан: Ўзбекистан — Россия ҳамкорлигидаги "Туркистон С" (кондитер маҳсулотлар ишлаб чиқаради), Ўзбекистон — Чехия «Лечива» фармсаноат қўшма корхонаси (тиббий спирт, доридармон тайёрлайди), чет эл паррандачилик фирмаси, Ўзбекистон — Австрия «Сирдарё», «Лоламодел» (трикотаж буюмлар ишлаб чиқаради), «Сарбонтекс» (тиббий бинт, дока, жаррохлик салфеткалари), Ўзбекистон — Эрон "Сайхун ПАЯ" (томат пастаси ишлаб чиқарилади), Ўзбекистон — Хитой "Пахтакор ЛТД" (иссиқхона), Ўзбек — Араб "Оқолтин ПМБ" (пахта толаси ишлаб чиқаради) ва бошқа корхоналар, айниқса, самарали фаолият кўрсатмоқда. 9 пахта тозалаш заводи, Сирдарё исчиклик электр станцияси, Фарҳод ГЕС, «Момик», «Зилола», «Шухрат»,

«Гулистоннон», «Ховосдон», "Оқ олтиндон" акциядорлик жамиятлари, «Сайхунсүт» хусусий корхонаси, «Бунёд» корхонаси (темирбетон буюмлар ишлаб чиқаради) ва бошқа ишлаб турибди.



Сирдарё вилоятининг ҳаритадаги ўрни. Фото: Википедиа

Лойиҳа кўлами, шу жумладан унинг қуввати, мақсади ва вазифалари

Юқорида айтиб ўтилганидек, лойиҳанинг асосий мақсади аҳолидан чиқинди йиғиб олиш қамров даражасини 100%га чиқариб, йиғилган чиқиндини саралаш ва шу оркали даромад кўриш ҳисобланади.

Бунинг учун, талабгор корхона, давлат шериги томонидан 7 йил давомида бўлиб тўлаш шарти билан берилаётган мавжуд ва сотиб олиниши таклиф қилинган асосий воситаларни келишилган график асосида ишга тушириб халқقا манфаат етказиши лозим. Шу боис, давлат шериги қуйидаги шартларни амалга оширишни вазифа қилиб қўяди:

- Аҳолидан чиқинди йиғиш қамров даражасини 100%га етказиш учун зарур маҳсус техникалар сонини **109** тага етказиш учун қўшимча **35** дона чиқинди ташувчи техникани инвестиция қилиш;



- Чиқиндиларни йиғиш учун **50** дона махсус жой (чиқинди йиғиш майдончалари) яратиш оркали аҳолига қўшимча қулайлик яратиш ва чиқинди ташишда харажатларни оптималлаштириш;
- Чиқинди йиғиш жойларида, чиқинди йиғилиши мўлжалланган кунлар интервалларида чиқиндиларни тўплашни тартибли ва самарали олиб бориш учун, лойиҳа доирасида **500** дона чиқинди контейнерларини инвестиция қилиш;
- Аҳоли ва юридик шахсларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, мажбурий бўлган тўловларни тўлашни ва қарздорликларни текширишни электронлаштиришни йўлга қўйиш.

Инвестиция киритилиши муддати уч йил эканлиги инобатга олинган ҳолда, биринчи йилда қамров ўзгармасдан қолиши ва кейинги йиллардан қамров даражаси, Сирдарё вилоятида аҳоли ва юридик шахслардан чиқиндини олиб кетиш ва ҳосил бўлган чиқиндини саралашни, 100%га қўтариш режалаштирилган.

Давлат шериги талабгорга қуввати аҳолидан чиқиндини ташиш учун зарур махсус чиқинди ташувчи техникалар ва бошқа турдаги лойиҳа доирасида қўлланиладиган техникалар харид қилиш, агар мавжуд бўлса улардан шу лойиҳа учун фойдаланиш талабини қўяди.

Лойиҳадан фойда кўрувчилар

Лойиҳа амалга оширилиши Сирдарё вилоятида экологик вазиятни барқарорлаштириш, вилоят аҳолиси чиқинди ташиш бўйича дуч келаётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қиласи. Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғини, кўп қаватли уйлар, шахар ичидаги юридик шахслар лойиҳадан асосий фойда кўрувчилар ҳисобланади.




Молиялаштириш манбалари, схемалари ва графиги (йиллар кесимида)

Лойиҳани молиялаштириш манбаси талабгорнинг ихтиёрида бўлиб, талабгорнинг ўз манбалари ёки ташқи манбалардан (кредит, лизинг, бошқа корхонанинг молиявий ёрдами ва ҳоказо) бўлиши мумкин. Лойиҳанинг умумий нархи **41 169 139,59** минг сўмни ташкил қиласди

Лойиҳанинг долзарблиги

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тизимли равища қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар хузуридаги ободонлаштириш бошқармалари негизидаги санитар тозалаш участкалари тасарруфида бўлган 1 439 та маҳсус техника, 86 та автотарози, 1 102 та чиқинди тўплаш майдончаси, 6 131 та контейнер ва 160 та қаттиқ майший чиқинди полигонлари давлат унитар корхоналари тасарруфига ўтказилди.



Аммо, шу билан бирга, қаттиқ майший чиқиндиларни ташиб кетишни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш соҳасида хусусий тадбиркорлик

фаолиятини янада ривожлантириш борасида ҳали ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжуд.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан соҳада инфратузилмани такомиллаштириш бўйича амалга ошириб келинаётган ишлар юртимизда экология ва санитария муҳитини янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада обод ва кўркам қиёфа касб этиши йўлидаги улкан амалий қадамлардан биридир.

Мазкур лойиҳа ҳам шу ўзгаришларнинг ва ўзгартиришларнинг давоми ўлароқ, худудда экологик вазиятни яхшилаш ва чиқиндиларни йиғиш ҳамда қайта ишлаш орқали аҳолини турмуш даражасини яхшилаш учун хизмат қиласи.

2. Молия бўлими


2.1 Лойиҳани амалга ошириш ва молиялаштириш даври

Лойиҳанинг дастлабки қиймати 41 169 139,59 минг сўмни ташкил қиласди. Лойиҳани молиялаштириш манбаси - хусусий шерикнинг ўз маблағлари, ҳомийлик маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ҳамда қонунқиликда тақиқланмаган бошқа ташқи манбалар бўлиши мумкин. Лойиҳани молиялаштириш манбаси сифатида бюджет маблағларидан фойдаланиш кўзда тутилмаган.

Лойиҳани амалга ошириш учун, хусусий шерикнинг натижаларида корхонанинг ликвидлиги ва рентабеллиги кўриниши керак. Бунга қўшимча қилган ҳолда, корхонанинг режаларида ҚМЧ соҳасидаги хизматларга бўлган талабни қондириш асосий вазифа сифатида кўрилиши керак.

минг сўм				
Кўрсаткичлар	Давлат ташкилоти	Хусусий шерик	ЖАМИ	Структура (%)
Асосий воситалар (ишлаб чиқариш ускуналари ва маҳсус техникалар)	42 526 645,70	39 292 000,00	81 818 645,70	98%
Курилиш ва реконструкция харажатлари		400 000,00	400 000,00	0%
Жами капитал қўйилмалар	42 526 645,70	39 692 000,00	82 218 645,70	98%
Эксплуатация харажатлари (молиявий харажатлар ва айланма маблағлар)	25 000,00	1 477 139,59	1 502 139,59	2%
Лойиҳани тайёрлаш харажатлари	25 000,00	0,00	25 000,00	0,03%
Айланма маблағлар	0,00	1 427 139,59	1 427 139,59	1,70%
Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа кўзда тутилмаган харажатлар	0,00	50 000,00	50 000,00	0,06%
Бошлангич инвестицион капитал	42 551 645,70	41 169 139,59	83 720 785,29	100%
Бошлангич инвестицион капитал (АҚШ доллари эквивалентида)	3 921 503,45	3 794 093,51	7 715 596,96	
Улушлар	50,8%	49,2%	100%	

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун **3 йил** давомида **41 169 139,59** минг сўм микдорида пул маблағларини жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Хусусий шерик билан тузилаётган битим муддати **10 йилни** ташкил қиласиди.



2.2 Ишлаб чиқариш харажатлари (эксплуатация харажатлари) ҳисоб-китоби

Умумий эксплуатация харажатлари **1 502 139,59** минг сўмни ташкил қиласиди. Ушбу маблағнинг асосий қисми **98,34** фоизи ёки **1 477 139,59** минг сўми хусусий шерик бўлишга талабгор томонидан қопланади. Давлат шериги сифатида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси лойиҳани тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар учун **25 000,00** минг сўм ажратади.

Лойиҳа тўлиқ қувватда ишласа, унинг бир йиллик умумий харажатлари **27,35** млрд. сўмни ташкил қиласиди. Харажатлар таркиби қўйидаги жадвалда кўрсатилган:

минг сўм

Харажатлар таркиби	Харажат миқдори	Харажат тури
Ишлаб чиқариш харажатлари	9 939 607	Ўзгарувчан харажат
Электр ва ресурслар харажати	18 906	Доимий харажат
Электр ва ресурслар харажати	359 216	Ўзгарувчан харажат
Ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳаки харажатлари	5 341 200	Доимий харажат
Ягона ижтимоий тўлов	640 944	Доимий харажат
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	198 792	Доимий харажат
Мавжуд асосий воситалар амортизацияси бўйича харажатлар	6 378 997	Доимий харажат
Инвестиция қилинаётган асосий воситалар амортизация бўйича харажат	3 841 750	Доимий харажат
Бошқа операцион харажатлар	180 184	Доимий харажат
Бошқа операцион харажатлар	180 184	Ўзгарувчан харажат
Администрация иш ҳаки	162 000	Доимий харажат
Ягона ижтимоий тўлов	19 440	Доимий харажат
Банк комиссияси	4 260	Доимий харажат
Банк комиссияси	80 942	Ўзгарувчан харажат
ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	27 346 422	

2.3 Нарх стратегияси, маҳсулот таннархи, тарифлар

Нарх стратегияси компаниянинг фаолият йўналиши ва даромад манбаларига қараб ички ва ташқи факторларга боғлиқ. Корхонанинг аҳоли ва юридик шахслардан чиқиндини ташиб учун оладиган тўлови нархлари миқдори корхонанинг ўзига боғлиқ эмас. Чунки ушбу тўлов нархлари Республика қарори билан бутун Сирдарё вилояти ҳудудида бир хил этиб белгилаб келинади ва бу тартиб ҳозирда ўзгартирилиши режалаштирилмаган.

Сараланган иккиламчи хом ашёни сотишдан тушадиган тушум миқдори эса эркин бозор шароитида шаклланган талаб ва таклифга боғлиқ.

Сирдарё вилояти қарорига кўра, Сирдарё вилоятида жисмоний шахслар учун бир йиллик тариф миқдори киши бошига 33,6 минг сўмни, юридик шахслар учун 1 куб метр ҚМЧ учун 45,0 минг сўмни ташкил қиласди. Тарифларнинг ўсиши (йиллик ўсиш миқдори 5%) ни ҳисобга олган ҳолда лойиҳа амалга оширилиш муддати, 10 йил давомида тарифлар қуидагича бўлиши тахмин қилинмоқда:

Лойиҳа доирасида таклиф қилинаётган тарифлар прогнози

минг сўм

Кўрсаткичлар	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	6 йил	7 йил	8 йил	9 йил	10 йил
Жисмоний шахслар учун	33,60	35,28	37,04	38,90	40,84	42,88	45,03	47,28	49,64	52,12
Юридик шахслар, 1м. куб ҚМЧ учун (КҚС билан)	45,00	47,25	49,61	52,09	54,70	57,43	60,30	63,32	66,49	69,81

Корхонанинг бир йиллик ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари ва кўрсатадиган хизматларининг умумий таннархи лойиҳа амалга оширилишининг 1-йилида 18,263 млрд. сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Ушбу таннарх таркибига:

- ишлаб чиқариш харажатлари;
- энергия ресурслари харажатлари;
- ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳақи харажатлари ва улар учун тўланган ЯИТ;
- мавжуд ва инвестиция қилинган асосий воситалар амортизацияси харажатлари;
- бошқа ишлаб чиқариш харажатлари;
- бошқа операцион харажатлар;
- маъмурият харажатлари ва улар учун тўланган ЯИТ;
- банк комиссияси;
- солиқлар киради.


2.4 Даромадлар хисоб-китоби

Хисоб-китобларга кўра, корхонанинг тўлиқ қувватда ишлаш шароитида бир йиллик жами даромадлари миқдори 105,15 млрд. сўмни ташкил қиласди. Бунда аҳоли ва юридик шахслардан олинадиган чиқинди учун тўлов 33,07 млрд. сўм, саралangan иккиламчи хом-ашёни сотишдан тушган тушум 72,07 млрд. сўм бўлади. Хисоб-китобларда иккиламчи хом ашё (жумладан қоғоз, металл, резина ва ш.к.) саралаб, қайта сотилиши кўзда тутилган. Бироқ, хусусий шерикликка давогар корхонанинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, ушбу соҳадаги тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, саралangan иккиламчи хом ашё қайта тишиланиши, қиймат занжирида қўшимча қиймат яратиши мумкин. Бу эса олиниши мумкин бўлган даромадлар миқдори ва улушини ортишига олиб келади.

Лойиҳа доирасида корхонанинг йиллик даромад манбалари нисбати



Йиллар кесимида тушум миқдори қуидаги графикда келтирилган:



2.5 Лойиҳанинг молиявий кўрсаткичлари таҳлили (WACC, IRR, NPV)

Лойиҳа доирасида бир қатор молиявий кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Ушбу кўрсаткичлар корхонанинг даромадлиигини, киритилаётган инвестиция ўзини оқлаш-оқламаслиги, инвестициянинг даромадлик миқдорини тавсифлайди.

Дисконт ставкаси — бу келажакдаги даромад оқимларини ягона жорий қийматга айлантириш учун ишлатиладиган фоиз ставкаси.

Дисконтланган қоплаш муддати (discounted payback period, DPP) – бу лойиҳанинг рентабеллигини аниқлаш учун ишлатиладиган капитал бюджетлаштириш тартиби. Дисконтланган қоплаш муддати келгуси пул оқимларини дисконтлаш ва пулнинг вақт қийматини ҳисобга олиш йўли билан дастлабки харжатларни қоплаш учун қанча вақт кетишини билдиради. Ушбу ўлчов лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги ва рентабеллигини баҳолаш учун ишлатилади.

Соф дисконт даромад (net present value, NPV) – бу келажакдаги тўловлар оқимининг бугунги қийматини топиш учун фойдаланиладиган ҳисобкитоблар натижасидир. У пулнинг вақт қийматини ҳисобга олади ва шу инвестиция муқобилларини таққослаш учун фойдаланилиши мумкин.

NPV сармоя киритиш учун зарур бўлган капитал нархидан келиб чиқадиган дисконт ставкасига таянади ва салбий NPV бўлган ҳар қандай лойиҳа ёки инвестициядан қочиш керак.

Ички рентабеллик даражаси (internal rate of return, IRR) – бу келажакдаги пул тушумларининг ҳозирги қиймати ва дастлабки инвестиция харажатлари тенглаштирилган фоиз ставкаси, бунда соф дисконт даромад (NPV) 0 га teng. NPV шу кунгача дисконтланган пул оқими асосида ҳисобланади.

Капитал баҳосининг ўртacha қиймати (Weight average cost of capital, WACC) – бу капиталнинг ўртacha қиймати, индикатор ҳар хил қимматли қоғозларга, лойиҳаларга сармоя киритиш зарурлигини баҳолашда ва кутилаётган инвестиция даромадларини дисконтлашда ва компания капиталининг нархини ўлчашда ишлатилади.

Фойдалилик индекси (Profitability index, PI) – бу лойиҳанинг ёки инвестициянинг жозибадорлигини ўлчайдиган кўрсаткич. PI келажакдаги кутилаётган пул оқимларининг жорий қийматини лойиҳадаги дастлабки инвестиция миқдорига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Кўрсаткич	Ҳисоб-китоб
Дисконт ставкаси	14 %
Лойиҳа амалга ошириш даври, йил	10 йил
Инвестиция даврини ҳисобга олган ҳолда дисконтланган қоплаш муддати (DPP), йил	5 йил
Соф дисконт даромад (NPV) 10 йил учун, минг сўм	142 981 733
Ички рентабеллик даражаси (IRR), %	39 %
Капитал баҳосининг ўртacha қиймати (WACC), %	25,2 %
Фойдалилик индекси (PI)	0,3

2.6 Молиявий хавф-хатарларни баҳолаш ва рисклар

Ихтиёрий бизнес учун риск тушунчалик таниш ва ўша бизнеснинг бир қисми ҳисобланади. Бизнесда рискни минимум даражага тушириш мумкин, бироқ уни бутуладай йўқ қилиб бўлмайди. Рискни бизнесга салбий таъсир қиласиган воқеа ёки ҳолат сифатида таърифлаш мумкин. Паст даражадаги қўриқлаш туфайли корхонада активларнинг ёки бошқа қимматликларнинг йўқолиши, ускуналар ўғирланиши ана шундай рисклар таркиби киради.

Бизнесда энг кўп тарқалган риск турлари қўйидагилар:

- стратегик – бизнесга бутунлигicha таъсир қиласиган ечимлар;
- мувофиқлик (комплеанс) – қонунлар, қоидалар, стандартлар ва амалиётдаги кодекслар билан иш жараёнини мувофиқлаштириш зарурати;
- молиявий – бизнеснинг молиявий транзакциялари, тизими ва структураси;

- операционал – операцион ва маъмурий тартиб-қоидалар;
- экологик – ташқи ҳодисалар, об-ҳаво ва ноқулай иқлим шароитлари;
- репутацион – корхонанинг жамоат олдида ёки давлат шериги олдидаги обрў-эътибори.

Юқорида тилга олингани каби рискларни йўқотиб бўлмайди. Хавф-хатарни энг паст даражага тушириш учун эса уларни тўғри бошқариш (риск менежмент) талаб этилади. Риск менежмент бизнес турига қараб фарқ қиласи.

Хавф-хатарни бошқаришда қуидаги босқичларга эътибор қилиш керак:

1. Хавфни аниқлаш;
2. Хавфни баҳолаш;
3. Хавфни бошқариш;
4. Кузатиш ва кўриб чиқиш.

Корхонада юзага келиши мумкин бўлган молиявий хавф-хатарларга тўғридан-тўғри бош бухгалтер ҳамда бош директор жавобгар бўлади. Иш жараёнида моддий қийматликлар микдорининг камайиши, корхона активлари ҳажмининг пасайиши нафақат ўғрилик, кўзбўямачиликдан балки, эҳтиётсизлик оқибатида нотўғри юритиладиган бухгалтерия ҳисботидан ҳам бўлиши мумкин.

Қаттиқ-маиший чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш бизнесида қайта ишланган маҳсулотларни харидорларга сотишда маҳсулот таннархи нотўғри ҳисобланган бўлса ва қайта ишланган хом ашё унга кетказилган харажатдан арzonроққа сотилса, бу корхона учун келгуси даврда заарли молиявий натижаларга, хусусан салбий пул оқимига олиб келади.

З-бўлимда таъкидланганидек, бош бухгалтернинг вазифалари сирасига молиявий прогнозлар ва риск таҳлили киради. Бу борада бош бухгалтер зарур ҳисоб-китоб таҳлил ишлалрини амалга ошириши ва керакли чора кўриши ёки чора кўрилиши кераклиги тўғрисидан раҳбариятга хабар бериши керак.

Молиявий риск инфляцион жараёнлар, ҳар томонлама тўловга лаёқатсизлик, валютавий тебранишлар ва бошқалардан келиб чиқади.

Бу рискларни компанияда молиявий бошқарув тизимини яратиш ва компаниянинг пул оқимларини самарали бошқариш йўли билан минималлаштириши мумкин.

Форс-мажор риски – кутилмаган ҳолатлар (табиий оғатлар, иш ташлашлар, урушлар ва бошқалар) оқибатида юзага келадиган риск тури.

Бу рискларни камайтириш чора-тадбирлари корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги етарли даражада бўлиши, зарур вақтда корхона форс-мажор ҳолатлари учун ишлатишга етарли пул-маблағлари мавжуд бўлиши билан боғлиқ.

3. Ижтимоий бўлим

3.1 Лойиҳанинг меҳнат ресурсларига эҳтиёжи ва унинг аҳоли бандлигига таъсири

Ҳар қандай лойиҳанинг муваффақиятли амалга ошиши учун зарур бўлган омилларидан бири у лойиҳа доирасида ишлайдиган ишчи кучи, яъни меҳнат ресурслари саналади. Лойиҳа доирасида кўп микдорда тор доирадаги юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж сезилмайди. Шунинг учун Сирдарё вилоятида қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш клистер хизматларини ташкил қилиш лойиҳаси доирасида ўрта маълумотли ишчилар ишга ёлланиши мақсадга мувофиқ.

Хисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳа доирасида Сирдарё вилоятида 489 та янги иш ўрни яратилади.



Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган лойиҳанинг бир йиллий умумий меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори 6,16 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу маблагнинг 5,50 млрд. сўми ходимларнинг ойлик иш ҳақи учун, 660,38 млн. сўми ягона ижтимоий тўлов саналади. Ходимларга ойлик ва йиллик тўланадиган ҳақ миқдори қуидаги жадвалда келтиришган.

Кўрсаткичлар	Сони	Ўртacha ойлик иш ҳақи	Йиллик иш ҳақи фонди
Маъмурият			
Директор	1	4 000,00	48 000,0
Директор ўринбосари	1	3 500,00	42 000,0
Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари	1	3 500,00	42 000,0
Бош бухгалтер	1	2 500,00	30 000,0
ЖАМИ	4		162 000,00
<i>Ягона ижтиомоий тўлов</i>	<i>12%</i>		<i>19 440,00</i>
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХОДИМЛАРИ			
Сараловчилар	24	2 000,00	576 000,0
Юкловчилар	230	1 200,00	3 312 000,0
Ҳайдовчилар	142	1 200,00	129 600,0
МФЙларда тўловлар буйича мутахассис	76	1 200,00	1 089 600,0
Истеъмолчиilar билан ишлаш буйича мутахассис	5	1 500,00	90 000,0
Юридик шахслар билан ишлаш буйича мутахассис	5	1 500,00	90 000,0
Қоровул	3	1 500,00	54 000,0
ЖАМИ	485		5 341 200,00
<i>Ягона ижтиомоий тўлов</i>	<i>12%</i>		<i>640 944,00</i>
ҲАММАСИ БЎЛИБ	489		6 163 584,00

Лойиҳани бошқарадиган маъмурият ходимлари 4 кишини ташкил қилиб, улар директор, унинг ўринбосари, директорнинг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари ҳамда бош бухгалтердан иборат. Маъмурият учун йиллик иш ҳақи фонди **181 440** минг сўмни ташкил қиласди.

Директорнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- менежерларни ишга қабул қилиш, танлаш, йўналтириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш ва интизом билан бошқарув (менежмент) самарадорлигини оширади; қадриятлар, стратегиялар, мақсадлар қўйиш ва уларга эришиш; жавобгарликни тайинлаш, иш натижаларини режалаштириш, кузатиш ва баҳолаш;
- нархларни белгилаш ва бизнес битимлари тузиш;
- бизнес учун йўналиш белгилаш;
- ташкilotнинг мақсади, вазифалари ва умумий йўналишини яратиш, мулоқот қилиш ва амалга ошириш;

- компания номидан чеклар ва хужжатларни имзолаш;
- ташкилотнинг муваффақиятли одимлашини таъминлаш.

Директор ўринбосари вазифалари:

- директор турли сабабларга кўра иш вазифасини бажара олмай қолганда, унинг номидан корхонани бошқариш, иш жараёни узлуксизлигини таъминлаш;
- корхонада ишлар фаолиятини тўғри ташкил қилиш.

Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари:

- ишлаб чиқариш жараёнлари тўғри ташкил этилиши, жойларда юзага келадиган камчиликларни бартараф этишда тўғридан-тўғри масъул;
- ишлаб чиқариш ходимларини назорат қилиш, уларнинг иш фаолиятини юзага келиши мумкин бўлган аномрал ҳолатларда қарорлар қабул қилиш ва бу орқали ишлаб чиқариш жараёнидаги муаммоларни бартараф қилиш вазифаларини бажаради.

Бош бухгалтер:

- корхона учун молиявий ва бухгалтерия ҳисоботлари тайёрлаш учун жавобгар;
 - корхона раҳбариятига молиявий таҳлиллар, ривожланиш бюджети ва бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этади;
 - молиявий прогнозлар ва риск таҳлили учун жавобгардир.
 - нақд пул маблағларини бошқариш, умумий бухгалтерия ҳисоби ва бир ёки бир нечта мулк учун молиявий ҳисоботни амалга оширади;
 - молиявий тизимлар ва сиёsatни ишлаб чиқиш ва бошқариш учун жавобгар;
 - иши ҳақи ҳисоблаш учун жавобгар;
 - солиқ қонунчилигига риоя этилишини таъминлайди;
 - компания учун барча молиявий операцияларни бошқаради;
 - компания учун ички аудитор вазифасини бажаради.

Ишлаб чиқариш ходимлари сони эса 460 кишини ташкил қилиб, уларнинг ҳар бири муайян вазифа бажаради.

Сирдарё вилоятида чиқиндиларни тўплаш, ташиш ва қайта ишлаш ишларини ташкил қилиш учун 100 дона чиқинди ташувчи машина ҳамда 42 дона бошқа турдаги маҳсус техника воситалари зарур. Ушбу техникаларни бошқариш учун 142 нафар ҳайдовчи ишга ёлланади. Шунингдек, ҳар бир

чиқинди ташувчи машинада чиқиндиларни юклаш учун 2 нафар юкловчи талаб қилинади.

Чиқиндиларни юклаш жараёнида юкловчи ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги шароитида чиқиндиларни тўплаш ва ташиш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш мақсадида юкловчилар жами сони 1,15 коеффициенти билан ҳисобланган. Шунда 230 нафар юкловчи талаб этилади.

Чиқинди ташиш машиналари ва бошқа маҳсус техникалар ҳайдовчилари:

- чиқиндиларни юклаш ва туширишда ёрдам беради;
- автотранспорт воситаси созлигини текширади, юк машинаси айрим турдаги хавфли чиқиндиларни ташиш учун мўлжалланган маҳсус хавфсизлик ускуналари билан жиҳозланганига ишонч ҳосил қиласди;
- автотранспорт воситасининг бузилиши, баҳтсиз ҳодисалар ёки қоидабузарликлар ҳақида хабар беради.

Юкловчилар:

- чиқинди йиғиш майдончалари, чиқиндилар учун контейнерлар тўпланган чиқиндиларни маҳсус чиқинди ташиш техникасига юклайди;
- қайта юклаш станциясига олиб борилган ва қайта ишланмайдиган майший чиқиндиларни Мультилифт техникасига ортади ва ҳайдовчилар билан биргаликда полигонга ташийди.

МФЙларда тўловлар бўйича мутахассис:

- маҳаллаларда жойлашган хонадонларда юриб, ахолидан чиқиндиларни ташиш учун тўловларни қабул қиласди;
- ахоли билан тўғридан тўғри муносабатга киришиб, чиқиндиларни тўплаш ва ташиш борасида юзага келган эҳтимолий муаммолар тўғрисида корхона раҳбариятини хабардор қиласди.

Истеъмолчилар билан ишлаш бўйича мутахассис:

- мижозлар ёки ташриф буорувчиларни шахсан ёки телефон орқали кутиб олади, уларнинг саволларига жавоб беради ёки керакли ходим томон йўналтиради;
- мижозлар билан барча турдаги алоқа каналлари (телефон, электрон почта, юзма-юз кўришиш ва ш.к.) орвали мулоқот қиласди;
- мижозлар билан алоқага чиқиши орқали мижознинг компания маҳсулотлари ва хизматларига қизиқишини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланади;
- потенциал мижозларга сўровлар пайтида аниқ ва фойдали маълумот берилишини таъминлаш учун ташкилот маҳсулотлари, хизматлари,

реклама кампаниялари ва бошқалар ҳақидаги янги маълумотлардан доимий равища хабардор бўлади.

Юридик шахслар билан ишлаш бўйича мутахассис:

- тумандаги юридик корхоналар билан шартномалар имзолайди;
- юридик мижозлар томонидан бажарилган хизматлар учун тўланиши керак бўлган тўловларни қабул қиласди;
- туманда янгидан ташкил қилинган юридик фирмаларнинг чиқиндини ташишга эҳтиёжи бор ёки йўқлигини ўрганади. Эҳтиёжи бўлган ширкатларга компания хизматларини таклиф қиласди;
- юридик мижозлар билан амалга ошириладиган барча ишларни амалга оширади.

3.2 Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги нормалари

Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги нормалари 1996 йил 29 июнь куни тасдиқланган “Мехнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги Намунавий низомга асосан қўлланилади.

Қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, қайта ишлаш жараёнларининг ихтиёрий босқичида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ва ходимлар зарур техника хавфсизлиги нормаларига амал қилиши керак. Иш берувчи корхона ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан эса ходимларнинг меҳнат муҳофазаси таъминланади. Техника хавфсизлиги нормалари билан ҳар бир ходим танишиб чиқиши меҳнат жараёнида унга сўзсиз бўйсуниши керак. Қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, қайта ишлаш жараёнидаги техника хавфсизлик қоидалари куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- а) чиқиндиларни қабул қилиш;
- б) очиқ контейнерларни локализация қилиш ва қайта юклаш;
- в) эргономика;
- г) чиқиндиларни аниқлаш ва таснифлаш;
- д) номаълум чиқиндиларни ўз вақтида синовдан ўтказиш ва аниқлаш;
- е) нормаларга мос келмайдиган кимёвий моддаларни ажратиш;
- ё) юклаш ва тушириш ишлари;
- ж) чиқиндиларни аралаштириш;
- з) лабораторияда қадоқлаш / шикастланган қадоқ;
- и) чиқиндиларни ташишга тайёргарлик;
- й) хавфсиз юклаш тажрибаси;
- к) чиқиндиларни полигонда сақлаш;
- л) полигонда чиқиндини саралаш;

м) хавфли ёки фавқулодда вазиятларда фойдаланиладиган ускуналарга ўчириш зарурлигини белгилайдиган ёрлиқлар ёпишириш;

н) дезинфекция тартиб-қоидалари.

Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган ишлар меҳнат қилувчи ходимлар ва аҳоли учун хавфли таъсир қилиш муддатини камайтириш учун муҳандислик назорати, маъмурий назорат ёки шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни ўрганиши керак. Бунда муҳандислик назорати бошқаларига нисбатан афзал усул ҳисобланади.

Техник назорат воситаларига қуидагилар киради:

- 1) шамоллатиш;
- 2) ёнғинга қарши воситалардан фойдаланиш;
- 3) технологик изоляция;
- 4) техник операциялар;
- 5) механизациялашган қайта ишлаш ускуналари.

3.3 Лойиҳаник ижтимоий аҳамияти

Лойиҳани амалга ошириш натижасида худудда маълум бир қатлам ижтимоий гурӯҳни иш билан таъминлашга эришилади.

Ушбу лойиҳа доирасида тадбиркорнинг стратегик мақсади бўлиб, Сирдарё вилоятидаги ҚМЧни қайта ишлаш имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш, шунингдек, келажакда уни янада ривожлантириш ҳисобланади. Лойиҳани яратиш учун асосий шартлар:

- сифимли ички истеъмол бозорининг мавжудлиги;
- туманда тадбиркорнинг яхши ишchanлик обрўси;
- ушбу соҳада инқилобий ўзгаришларни қилишга тайёр бўлган ёш, умидли, изланувчан жамоанинг борлиги;
- ходимларнинг фаолиятни бошлаш учун тайёргарлиги.

Ташкил қилинадиган фаолиятнинг устувор йўналиши Ўзбекистон Республикасининг кўрсатилаётган хизматларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, давлат шериги ушбу лойиҳани амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқади.

Лойиҳада қатнашувчи иккинчи томон, яъни тадбиркор (хусусий шериқ)нинг вазифаси – корхонанинг юқори рентабеллигини таъминлаш ва қўшимча иш ўринлари яратилишига ва корхонанинг ижтимоий-иктисодий манфаатларини қондиришга ҳисса қўшган ҳолда максимал иктисодий фойда олишдан иборат.

4. Маркетинг тадқиқотлари бўлими

Ушбу саноатдаги бозор тенденциялари, айниқса мамлакатимизда жуда динамик ва айни пайтда мураккаб. Аммо шуниси аниқки, чиқинди йифиш ва уни қайта ишлаш саноатидаги компания ишонч қозонгандан кейин, Ўзбекистон қонунчилиги асосида фаолият олиб борадиган компаниялар билан чиқиндини ташиш бўйича, шунингдек, қайта ишланган хом ашёни сотиши бўйича доимий ва барқарор шартномалар имзолаш имкониятига эга бўлади.

Охирги тенденциялар шуни кўрсатадики, чиқиндиларни тўплаш саноати, инвестицион жозибадорлик нуқтаи назаридан, қурилиш ва тижорат бизнеси билан рақобатлаша бошлаган. Бу тармоқлар ривожланиши ва кенгайиши билан кўпроқ чиқинди чиқариши табиий. Шунингдек, турар-жой бозорининг доимий талаби чиқиндиларни йифиш ва қайта ишлаш саноатининг умумий даромадини барқарорлаштиришга ёрдам беради.

Келгусида чиқинди йифиш хизматларига бўлган талаб аҳоли сонинг доимий ортиши, хусусийлаштириш ва бизнеснинг яратиши билан кўпайиб бораверади.

Хулоса ўрнида, ёқилғи харажатлари бу саноатдаги лойиҳа харажатларининг муҳим қисмларидан бири саналади. Келгуси йилда чиқиндиларни йифиш ва ташишда фойдаланиладиган маҳсус техникаларни ҳаракатлантирадиган дизель ёқилғисининг нархи ошиши ушбу бизнес учун потенциал риск ҳисобланади.

4.1 Маҳаллий ва халқаро бозор имкониятлари

ҚМЧни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш бозори, ташкилий тузилма нуқтаи назаридан номукаммал рақобат бозори ҳисобланади. Шу билан бирга, у ўзининг бир қанча хусусиятларига кўра иқтисодий назарияда монополистик рақобат ва монополия бозори сифатида таснифланадиган бозор турларига ҳам яқинроқ. Ушбу ҳолатлар муқаррар равишда харидорларнинг хатти-ҳаракатларида, уларнинг асосий мақсадларининг ўзгариши, нархлар тизимида ўз натижасини кўрсатади, бу ҳам давлат томонидан амалга оширилаётган жараёнларни доимий равишда аниқ тартибга солишини талаб қиласи.

Сирдарё вилоятида қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш кластер хизматларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида бошқариш лойиҳаси худудда чиқиндини йифиш қамрови даражасини 100 фоиз даражасига чиқариши мўлжалланган. Ҳозирги 62 фоиз қамров даражасида тумандаги уй хўжаликлари ҳамда корхоналарнинг чиқинди ташиш билан боғлиқ эҳтиёжларини тўлалигича қондирмаяпти.

Ўтказилган маркетинг тадқиқотларига кўра, чиқиндиларни йифиш нуқтаи назаридан, туманда ушбу лойиҳанинг мақсадли бозори сифатида қуидаги уй хўжаликлари ҳамда корхона ва ташкилотлар лойиҳа доирасидаги ташкил этиладиган корхонанинг мақсадли бозори бўла олади:

- турар-жой бинолари;
- бизнес комплекслари;
- савдо марказлари ва анъанавий бозорлар;
- меҳмонхоналар;
- ресторанлар;
- умумий ўрта таълим мактаблари;
- жамоат обьектлари;
- қурилиш майдонлари;
- фермерлар;
- касалхоналар ва бошқалар.

Лойиҳа аҳоли ва юридик фирмалар томонидан чиқариладиган майший чиқиндиларни Сирдарё вилояти ҳудудида тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлашни ташкил этишга қаратилган. Ҳудуд аҳолиси 2021 йил ҳолатига кўра, 861 526 кишини ташкил этган ҳамда аҳолининг йиллик ўртacha ўсиши 2,05% ни ташкил қилмоқда. Бу эса лойиҳа амалга ошишининг охирги йилига келиб аҳоли сони 193 829 кишига ортиб 1 055 355 кишини ташкил қилишии билдиради. Шунингдек, Сирдарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотларига кўра, Сирдарё вилоятининг Ялпи Ҳудудий Маҳсулоти (ЯХМ) Ўзбекистон ЯИМнинг ўртacha ўсиш кўрсаткичи миқдорида ошмоқда. Аҳоли турмуш даражаси ортиши билан, уларнинг истеъмол даражаси ҳам ортади ва бу ҚМЧ миқдори йилдан йилга кўпайишини англатади.

4.2 Лойиҳанинг қўлами

Лойиҳа Сирдарё вилояти ҳудудини, яъни 5,3 минг км². майдонни ҳамда унинг 861 526 нафар аҳолисини қамраб олади. Лойиҳа ҚМЧ хизматларининг сифати билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш заруриятига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади бўлиб, ҚМЧни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш тизимини қайта шакллантириш, ҳудуддаги экологик ва санитар-эпидемиологик вазиятни, соглиқни ва хаёт шароитларини яхшилаш ҳисобланади.

Шунингдек, лойиҳа чиқиндиларни қайта юклаш станцияси яратилишини кўзда тутади.

4.3. Рақабатдош устунликлар

Давлат-хусусий шериклик асосида Сирдарё вилоятида ташкил этиладиган лойиҳа ва уни амалга оширувчи корхона ушбу бозорда, ушбу бизнесда янги ҳисобланади. Чунки ҳозирга қадар чиқиндини тўплаш иши билан ёки давлат томонидан Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиши қўмитаси тасарруфидаги Давлат унитар корхоналари (“Toza hudud” ДУК каби) шуғулланган ёки умуман ҳеч ким шуғулланмаган. Хусусий капиталнинг ушбу бизнесдаги улуши ниҳоятда паст ва кўпроқ Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказлари билан чекланади. Лойиҳа асосида ташкил этиладиган компания ишга киришишдан олдин бозорни пухта ўрганиши, ўзининг қиёсий устунлигидан муваффақиятли фойдаланиши лозим. Ҳудуд бозорини тадқиқ қилиш асосида рақабатда устунлик берадиган бир нечта омиллар топилди. Улар сирасига мижозлар ва ҳамкорлар ишончи, ҳалоллик, чиқинди йиғишнинг бутун туман ҳудудини қамраб оладиган мукаммал тармоғи, кучли бошқарув, кучли операцион ҳаракатланиш ва бошқалар киради.

Қаттиқ майший чиқинди йиғиш ва уни ташиш тармоғи корхонаси тумандаги кичик ва ўрта бизнес вакиллари, шунингдек, йирик саноат корхоналари билан ижобий алоқаларга эга бўлиши, улар орасида етарлича репутацияси бўлиши корхонага бошқалар билан рақобатда устунлик берадиган яна бир муҳим омиллардан биридир.

Корхона ўз ходимлари ва ишчиларига етарлича ойлик иш ҳақи беради. Уларни турли бонуслар ва ижтимоий ёрдам пакетлари билан қўллаб-куватлайди. Ходимларга Ўзбекистон меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатларида белгиланган талаблар бўйича меҳтан қилиш, дам олиш учун шароит яратиб беради ва бу орқали тумандаги бошқа корхона ва ташкилотларга қараганда кадрлар меҳнат бозорида усиунликка эришади ва ўз ишининг усталари билан меҳнат шартномалари имзолайди. Бу эса корхонага ходимларнинг ушбу бизнесни ривожлантириш учун бизнес эгалари билан бир қаторда жон куйдириши ва қайғуришини беради ва корхона шиддат билан олға интилади.

4.4 SWOT таҳлил ҳамда Marketing Mix (4P) стратегияси

Ушбу лойиҳанинг муваффақиятли амалга ошиши, ундан манфаатдор томонлар кўзлаган мақсадига эришиши учун лойиҳага таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда унинг SWOT таҳлилини амалга ошириш керак.

SWOT таҳлил

Кучли томонлари (S – Strength) — кучли бошқарув, Сирдарё вилоятидаги иирик аҳоли пунктига чиқиндини ташиш соҳасида хизмат қиладиган кенг тармоқнинг мавжудлиги, лойиҳанинг афзаликлари, иқтисодий устунлиги, мижозларнинг содиклик дастури ҳамда соҳадаги тадбиркорнинг ишчанлик обрўси.

Кучсиз томонлари (W – Weakness) — ушбу лойиҳа доирасида катта миқдордаги бошланғич капиталнинг талаб этилиши. Ушбу маблағлар, асосан, чиқинди ташиш бўйича маҳсус техникалар харид қилиш, чиқиндиларни қайта юқлаш станцияси сотиб олиш учун сарфланади.

Имкониятлар (O – Opportunities) — йилдан йилга аҳоли сонининг кўпайиб бориши, ҳудудда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари сонининг муттасил ўсиши.

Хавф-хатарлар (T – Threat) — иқтисодиётнинг пасайиши, рақобат муҳитининг ҳаддан ортиқ ортиб кетиши, ўзгарувчан харажатлар, ёқилги нархининг кескин қимматлашуви. Шунингдек, институционал ўзгаришлар вужудга келиши (қонунчилик ўзгариши ва ш.к.).

Marketing Mix ёки 4P стратегияси маркетингда кенг қўлланиладиган стратегиялардан бири бўлиб, у маркетинг режалаштиришнинг тўртта асосий “координаталарига” асосланади. Улар қўйидагилар:



Product (маҳсулот) – товар ёки хизмат, ассортимент, сифат, маҳсулот хусусиятлари, дизайнни ва эргономикаси;

Price (нарх) – нарх, устамалар, чегирмалар;

Promotion (танитиш) – реклама, сотишни рағбатлантириш;

Place (жой) – етказиб бериш, савдо нуқталарининг жойлашуви, тарқатиш каналлари, сотувчи ходимлар.

Marketing Mix модели бозорда маҳсулотни самарали тарғиб қилиш учун сотувни бошқаришни ва ишлаб чиқиши мумкин бўлган барча керакли маҳсулот параметрларини ўз ичига олади.

Ушбу лойиҳа доирасида пул тушумлари а) аҳоли ва юридик шахсларнинг чиқиндилар учун тўлайдиган тўловлардан; б) ҚМЧларни қайта ишлаш ва уларнинг сотувини ташкил этишдан тушади. 4Р стратегиясини ҚМЧ сотувини ташкил этиш доирасида қўллаш мумкин.

Product. Аҳоли ва ташкилотлардан чиқинди йиғиб олиниши натижасида қуйидаги қайта ишланадиган хом ашёлар сараланади ва уларни қайта ишлайдиган корхоналарга сотилади:

- қоғоз;
- металл;
- резина;
- полиэтилен;
- текстил;
- шиша маҳсулотлари.

Қайта ишланадиган хом ашёлар Сирдарё вилояти ва унга ёндош ҳудудлардаги хом ашёни қайта ишлаш билан шуғулланадиган турли хил корхоналарга сотилади. Сотиш жараёнини тўғри амалга ошириш учун хом ашё ассортиментини кўпайтириш, уларни энг мақбул нархда сотишни ташкил қилиши керак.

Price. Чиқиндини тўплаш, ундан сараланадиган иккиласми хом ашёни сотиш, иккиласми хом ашё (қоғоз, металл, шиша маҳсулотлари каби) нинг ўзини тўплаш ва сотиш билан Сирдарё вилоятида бир нечта корхона, шунингдек жисмоний шахслар шуғулланади. Шунинг учун хусусий шерик томонидан қайта ишланадиган хом ашё сотуви ташкил этилганда нарх таклифи энг яхшилардан бири бўлиши керак, энг қўп маҳсулот харид қиласидиган ва доимий харидорлар учун нарх чегирмалари қилинади.

Promotion. Маркетингнинг вазифаси бозорни ўрганиш билангина чегараланиб қолмай, корхона маҳсулотларининг керакли харидорларига етиб боришини таъминлашдан иборат. Айни мақсадга эришиш учун маҳсулотлар тарғиботи, рекламаси тўғри ташкиллаштирилиши керак.

Корхона маҳсулотлари ва улар тўғрисидаги маълумотлар ҳам анъанавий (билбордлар, реклама доскалари, телевидение орқали маркетинг), ҳам замонавий (SMM – ижтимоий тармоқлардаги маркетинг) маркетинг каналлари орқали мақсадли аудиторияга етказилади.

Place. Маҳсулотлар сотуви амалга оширилаётганда сотиш жойи аҳамияти ҳам юқори. Бунда жойнинг етарли инфратузилмаси билан таъминланганлиги, автомобиль йўлларига яқинлиги савдонинг кўпайиши учун муҳимдир.

4.5. Сотиш ва маркетинг стратегияси

Маркетинг стратегияси

Тайёрланган маркетинг стратегияси профессионализм, мижозларга мукаммал хизмат кўрсатиш, ҳалоллик ва сифатли хизмат кўрсатишга асосланган. Компания ўзи учун содик мижозлар базаси (LCB – loyal customer base) яратилишини таъминлайди.

Корхона ўз ишининг натижалари ва корхона хизматларидан қониқкан мижозларнинг тавсиялари, таклифлари ва шикоятларини инобатга олган ҳолда савдо даражасини оширади.

Савдо ва маркетинг жамоаси соҳадаги катта тажриба асосида ишга олинади ва улар ўз мақсадлари ҳамда корхонанинг умумий мақсадларига эришиш учун муентазам равишда тажриба ортириб боради ва қайта тайёрланади.

Корхонанинг мақсади Сирдарё вилоятида чиқиндини тўплаш ва сараланган иккиламчи хом ашёни сотиш бўйича энг етакчи корхонага айланиш саналади. Бунинг учун компания қуйидаги маркетинг ва сотиш стратегияларидан фойдаланиши тавсия этилади:

- Тураг-жой бинолари, кўп қаватли уйлар, меҳмонхоналарга ўз бизнесини танитиш мақсадида брошура ва танишув хатлари юбориш ва бу билан бизнесни танитиш;
- Флаер ва визиткалар чоп этиб, уларни мақсадли аудитория саналадиган кичик ва ўрта бизнес корхоналарида тарқатиш;
- Дўстлар ва оила аъзоларидан фойдаланиб, бизнес тўғрисида ён-атрофга, туманнинг қишлоқ худудларига маълум қилиш;
- Мактаблар, кутубхоналар, маҳаллий чойхона ва бошқа одамлар гавжум бўладиган жойлардаги эълонлар тахталарида компания ва у таклиф қилаётган маҳсулотлар ҳақида маълумот жойлаш;
- Маҳаллий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, жумладан Телеграм каналлари орқали мақсадли аудиторияга корхона хизматларини реклама қилиш.

Қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиши бизнеси биринчи йилнинг ўзидаёқ даромад келтирадиган бизнеслар сирасига киради.

Сотиш стратегияси

Корхона фаолият олиб бориши натижасида қуидаги икки манбадан пул тушумлари тушади:

- аҳоли ва юридик шахсларнинг белгиланган тарифлар бўйича чиқиндилар учун тўлайдиган тўловлари;
- қаттиқ майший чиқиндилар орасидан хом ашё сифати сотишга яроқли маҳсулотлар сотуви.

Аҳоли томонидан чиқиндилар ташиш учун тўланадиган йиллик тўловлар миқдори 28,95 млрд. сўмни (қамров даражаси 100 % бўлганда), юридик шахслар томонидан тўланадиган тўлов миқдори эса 4,12 млрд. сўмни (шартнома қилган юридик ташкилотлар билан) ташкил этилиши прогноз қилинмоқда. Бунда Сирдарё вилоятида истиқомат қилувчи 861,52 минг аҳолининг йиллик 33,6 минг сўмдан, шу худудда Тоза худуд ДУК билан шартнома қилган 3055 та юридик шахснинг ҳар бир метр куб чиқинди учун 45 минг сўмдан тўлов қилиши кутилмоқда.

ҚМЧ таркибидан саралаб олинган иккиламчи хом ашё савдосидан тушадиган тушум миқдори эса қуидагича бўлади:

Номи	Ўлчов бирлиги	1 йиллик сараланган иккиламчи хом-ашё	1 тонна сараланган иккиламчи хом-ашёнинг нархи (ҚҚС билан)	Тўлиқ ишлаб чиқариш қувватидаги тушум (ҚҚС билан)
Қоғоз	тонн	44 574	800,00	35 659 422,67
Металл	тонн	5 424	500,00	2 712 191,54
Резина	тонн	1 887	500,00	943 370,97
Полиэтилен	тонн	40 329	700,00	28 230 376,28
Текстиль	тонн	9 198	350,00	3 219 253,44
Шиша	тонн	8 726	150,00	1 308 927,22
Жами		110 139		72 073 542,11

4.6 Талаб ва таклиф

Иқтисодиётда исталган турдаги маҳсулот, товар ёки хизматнинг бозор нархи талаб ва таклиф эгри чизиқлари кесишган нуқта белгилаб беради.

Талаб истеъмолчиларнинг маълум турдаги товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи. Талабнинг энг кенг тарқалган миқдорий характеристикаси – хизматларга бўлган талаб эластиклиги деб аталади. Хизматларга бўлган талаб эластиклигининг учта тури мавжуд: нарх эластиклиги, даромад эластиклиги ва турли хизматлар учун ўзаро мослашувчанлик.

Талабнинг нарх эластиклиги = талаб қилинган миқдорнинг %да ўзгариши / нархнинг %да ўзгариши

Нарх эластиклиги маҳсулот нархининг ўзгаришига нисбатан истеъмол ҳажмининг ўзгаришини ўлчаш билан ифодаланади.

Талаб эластиклигининг миқдорий ифодаси муайян мамлакат истеъмолчилик хулқ-авторининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради, чунки у истеъмол имтиёзларининг жамланганлиги, аҳолининг даромад даражалари, миллий хусусиятлари ва иқтисодиёт ривожланишидаги умумий вазият билан белгиланади. Шунинг учун, одатда, бир мамлакат маълумотларидан олинган эластиклик характеристикасини бошқа мамлакат шароитига ўтказиш нотўғри ҳисобланади. Бироқ, умумий қоида шундан иборатки, берилган хизмат жавоб берадиган талаб қанчалик юқори бўлса ва унинг ўрнини босувчилар сони қанчалик кам бўлса, нарх эластиклиги шунчалик паст бўлади. Ўзбекистонда ҳозирча бу коефициентга тааллуқли ҳисоб-китоблар йўқ.

Нарх омилидан ташқари нархсиз омиллар ҳам талаб ва таклифга таъсир қиласди. Талаб мижозлар (аҳоли) сони, жисмоний шахс, оиланинг ўртacha даромади билан белгиланади.

Таклиф истеъмолчилар учун мавжуд бўлган маълум бир товар ёки хизматнинг умумий миқдорини тавсифловчи асосий ичтисодий тушунчалардан бири. Таклиф нархга тўғри пропорционал бўлиб, маҳсулот нархи ошса, унинг таклифи ҳам ошишини билдиради.

5. Техник-технологик бўлим

5.1. Технологик ва техник ечимлар акс эттириш

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёsat амалга оширилмоқда.

Ҳозирда республика ҳудудида умумий қуввати йилига 894 минг тонна ҚМЧни қайта ишлайдиган 183 та корхона, шу жумладан 72 та полимер плёнка ва пластмассани, 65 та қоғоз ва картон буюмларини, 17 та шина ва резинотехника буюмларини, 10 та метални, 6 та шишани, 2 та мой ва текстилни, 11 та бошқа чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари мавжуд.

Шу билан бирга республиканинг 9 та шаҳрида (Андижон, Бухоро, Гулистон, Жizzах, Навоий, Нукус, Термиз, Урганч ва Қарши) умумий қуввати йилига бир миллион тоннадан ортиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган, ҚМЧни тўплаш, ташиш, саралаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича кластерларнинг ташкил этилиши ҚМЧнинг истеъмол қимматига эга таркибларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизими самарали ишлашининг асосий омили ҚМЧни ўз вақтида тўплаш ҳамда уларни қайта ишлаш ва (ёки) жойлаштириш жойларигача ташиш ҳисобланади.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида органик, қайта ишланадиган ва қайта ишланмайдиган ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш жадваллари мақбуллаштирилади, ҚМЧ ҳосил бўладиган олис участкалар учун маҳсус зичловчи қурилмалар билан жиҳозланган қайта юклаш пунктлари қурилади.

5.2 Лойиҳа тузилиши

Лойиҳа ҳудудда мавжуд чиқиндиларни ташиш ва йиғиш тизимини модернизация қилиш ва қайта қуришни ўз ичига олади. Қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича самарали тизимни яратиш лойиҳанинг асосий босқичи ҳисобланади. Ушбу тизимни самарали бажариш учун лойиҳа доирасида 35 та чиқинди ташувчи машина, 500 та контейнер, 6 та мультилифт маҳсус техникаси, 6 та чиқиндиларни қайта юклаш станцияси, 1 та чиқиндиларни саралаш линияси харид қилиш ва 50 та чиқинда йиғиш шахобчасини қуриш режалаштирилган. Давлат томонидан тақдим этиладиган мавжуд асосий воситалар (1та

компактор, 65 та чиқинди ташувчи, 9та мультилифт, 9та ассенизатор, бта фронтал юклагич, 8та самосвал ва 3та бульдозер) майший чиқиндиларни ташиш билан боғлиқ бўлган ишларни самарали ҳал этишда қўмаклашади.

Давлат томонидан тақдим этиладиган маҳсус техникалар

Маҳсус техника тури	Маҳсус техника русуми	Сони
Компактор		1
Чиқинди ташувчи (Исузу) 7м ³ ҳажмли	ISUZU	65
Самосвал 25 т.	XCMG	8
Фронтал автоюклагич	XCMG	6
Мультилифт	ISUZU	9
Ассенизатор	ISUZU	9
Бульдозер	Y CTO	3

5.3. ҚМЧларни тўплаш, ташиш ва саралашнинг технологик босқичлари

Қаттиқ майший чиқиндилар ихтисослаштирилган транспорт воситаларида (чиқинди ташиш машиналари ва бошқа ихтисослаштирилган машиналарда) ташилади.

Чиқинди тўплаш шохобчаларидаги, шунингдек ташкилотлардаги қаттиқ майший чиқиндиларни вақтинчалик тўплаш ва сақлаш учун ташкил этилган жойлардаги чиқинди контейнерлари экипаж юкловчилари томонидан ихтисослаштирилган транспорт воситасининг манипулятор механизмига ўрнатилади ва унинг маҳсус механизми ёрдамида (механик тарзда) чиқинди кузовига бўшатилади.



Манипулятор механизми билан жиҳозланмаган ихтисослаштирилган транспорт воситасининг чиқинди кузовига контейнерларни бўшатиш экипаж юкловчилари томонидан кўл кучи билан амалга оширилади.

«Сигнал» усулида йўналиш жадвали бўйича етиб келган ихтисослаштирилган транспорт воситасига қаттиқ майший чиқиндиларни жойлаштириш истеъмолчилар ва экипаж аъзолари томонидан амалга оширилади.

Бунда қаттиқ майший чиқиндилар махсус чиқинди қопларида (пакетларда) ёки ғилдиракли контейнерларда (40 – 120 л.) сақланган ҳолларда уларни ихтисослаштирилган транспорт воситасига жойлаштириш экипаж юкловчилари томонидан амалга оширилади.

Қаттиқ майший чиқиндиларни ихтисослаштирилган транспорт воситасига ю클аш жараёни пиёдалар, автомототранспорт воситалари ҳамда велосипедлар ҳаракатига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Чиқинди сақлаш контейнерлари қаттиқ майший чиқиндилардан тўлиқ, қолдиқсиз тозаланиши ҳамда санитария талабларига мувофиқ дезинфекция қилиниши керак.

Қаттиқ майший чиқиндиларни ю클аш ва ташиш ишлари уларни тушириб қолдириш, авария ҳолатини пайдо қилиш, инсонлар соғлиғи ва атроф-муҳитга зарар етказиш эҳтимолларини истисно қилувчи усууллар билан амалга оширилади.



Қаттиқ майший чиқиндиларни ташишга ихтисослаштирилмаган - ағдарма ва бортли махсус транспорт воситаларидан майший чиқиндиларни ташиш мақсадида фойдаланилганда, чиқиндиларнинг тўкилиши ва суюқликнинг (фильтрат) оқиши ҳамда чиқинди чангларининг атмосфера ҳавосига тарқалишини олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

Қаттиқ майший чиқиндиларни ю클аш ва ташишда қуидагиларга йўл қўйилмайди:

- контейнерларда сақланаётган чиқиндилар ёки чиқинди уюмларидан иккиласми хом ашё ажратиб олиш;
- ю클аш жойида чиқинди қолдиқларини қолдириш ёки уларни ён атрофга сочиб юбориш;
- экипаж аъзоси бўлмаган шахсларни жалб қилиш («сигнал» усулида тўплаш ва олиб чиқиб кетиш ҳоллари бундан мустасно) ёки уларни ихтисослаштирилган транспорт воситасида ташиш.

Ишлаб чиқариш қуввати даражаси, юқорида айтиб ўтилганидек, сменали қуввати ва йилига иш кунлари сонига боғлик бўлиб, лойиҳани

баҳолашда консерватизм нуқтаи назаридан қувватни босқичма-босқич ривожлантириш назарда тутилган.

Сирдарё вилоятида қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, саралашни тўғри ташкил этиш учун қуйидаги жараёнлар кетма-кетлиги амалга оширилади.

1. Биринчи навбатда аҳоли ва юридик шахслар томонидан ҳосил бўлган ҚМЧ чиқинди йиғиш шаҳобчаларида ёки чиқинди контейнерларида тўпланади.
2. Сигнал усулида эса йўналиш жадвали бўйича қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш амалга оширилади.
3. Кейинги босқичда йиғилаган чиқинди худудда жойлаштириш режалаштирилган саралаш комплексига ташилади.
4. Саралаш босқичидан ўтган қайта ишланмайдиган чиқиндилар қайта юкланади.
5. Қайта юклаш станцияси бир вақтнинг ўзида саралаш комплекси худудига жойлаштириш режалаштирилган.
6. Қайта юклangan ҚМЧ 10-20 м³ ҳажмдаги контейнерларга зичланган ҳолда жойлаштириллади.
7. Контейнерлардаги чиқиндилар махсус техника мультилифт орқали чиқинди полигонига ташилади.

5.3.1. Майший чиқиндиларни йиғиши пункти

Майший чиқиндиларни йиғиш уй хўжаликларидан, тижорат ёки давлат идоралари участкаларидан бошланади. Майший чиқиндиларни йиғиш пункти асосан шаҳарнинг турар жойларида, айниқса кўп қаватли турар-жой бинолари зич жойлашгандарда ишлайди. Майший чиқиндиларни йиғиш пунктларини такомиллаштириш керак, чунки улар чиқиндиларни бошқариш тизимининг муҳим қисмидир. Майший чиқиндиларни йиғиш пунктлари қайта ишланадиган материалларни қўлда ажратиш орқали чиқиндиларни камайтириши мумкин. Ушбу тизим содда бўлса-да, жуда самарали эканлигини исботлади. Кейинчалик, қайта ишланадиган материаллар норасмий сектор томонидан тўпланади, ташилади ва кейинги фойдаланиш учун қайта ишланади.

Қонунчиликка мувофиқ кўп квартирали аҳоли хонадонларидан майший чиқиндаларни ташиб кетиш махсус чиқинди тўплаш шаҳобчалари орқали амалга оширилиши белгиланган.

Сирдарё вилоятидаги мавжуд кўп қаватли уйлар учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 50 дона намунали чиқиндиларни йиғиш шаҳобчаларини

куришга эхтиёж бор. Шу сабабли, лойиҳа доирасида хуссий шерик томонидан 50 та чиқиндиларни йиғиш шаҳобчалари қуриш учун инвестиция киритилади.



5.3.2. Чиқинди йиғиши контейнерлари

Хозирги Сирдарё вилоятида чиқинди йиғиши баклари ўрнатилган бўлиб, улар 2016 ва 2018 йиллар оралиғида харид қилинган. Шу билан бирга, вилоятлардаги қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш тизими чиқиндиларни йиғиши самарадорлигини оширишни истаса, чиқиндини йиғиши бакларини алмаштириш талаб қилинади. Вилоятда асосан **0,75 м³** ҳажмли пўлат баклар ишлатилади.

Лойиҳа доирасида **1,1 м³** ҳажмдаги **500 та** бакларни харид қилиш режалаштирилмоқда. ҚМЧни чиқинди йиғиши пунктларининг ўзида ҳар хил рангдаги қопқоқларга қараб, фуқароларнинг онги ошиб бориши ва тарбияланиши натижасида, дастлаб сараланиши режалаштирилмоқда, яъни фуқаролар қайта ишланиш учун яроқли бўлган турли чиқиндини (шиша идишлар, пластмасса, қофоз ва бошқалар) тегишли рангдаги қопқоқли контейнерга ташлайди.



5.3.3. Чиқинди ташии техникалари

Бугунги кунда “Тоза ҳудуд” ДУК Сирдарё вилояти филиали ҳисобида 9 та маҳсус чиқинди ташувчи техника мавжуд. Туманда йиғилган майший чиқиндилар маҳсус техникалар ёрдамида лойиха доирасида ишга тушириладиган чиқиндиларни саралаш комплексига келтирилади.

Ҳозирда Сирдарё вилотида 861,5 минг аҳоли рўйхатга олинганлигини, майший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари орқали полигонларга жўнатиш тизими яраталиши ҳисобига, маҳсус техникалардан самарали фойдаланиш имкониятлари ошиши, яъни ҳар бир техникани бир кунлик қатнови камидаги 2,0 маротабага етишини ҳисобга олинса, ўртача ҳар 12,0 минг аҳоли учун 1 та чиқинди ташувчи техника лозим бўлади. Шу сабаб, лойиха доирасида хусусий шерик томонидан тўла қувватни таъминлаш учун қўшимча 35 та маҳсус чиқинди ташувчи техника сотиб олиш учун инвестиция киритилади.

Таклиф этилаётган лойиха факат ишлаб чиқариш самарадорлигини дастлабки яхшилашга қаратилганлиги сабабли, биринчи босқичда такомиллаштиришнинг энг яхши варианти Хусусий шерик сифатида қатнашадиган корхонага энг керакли "универсал" технологияларни тақдим этиш эканлиги тўғрисида келишувга эришилади. Ўзбекистонга келсан, бу маълум даражада обрў қозонган, юк ташиш ҳажми 7 дан 12 м³ гача бўлган юк машиналари ҳисобланади.



Сирдарё вилотида хосил бўлаётган майший чиқиндилар, лойиха доирасида ишга тушириладиган чиқиндиларни қайта юклаш станциясига келтирилади ҳамда саралашдан ўтказилган чиқиндилар қайта юклаш техналогияси ёрдамида контейнерларга зичланиб, маҳсус мультилифт техникалари ёрдамида Сайхунобод туманидаги чиқинди полигонига жойлаштирилади. Шу сабаб, лойиха доирасида хусусий шерик томонидан



сарапашдан ўтиб махсус қайта юклаш технологияси ёрдамида 10-20 м³ ҳажмдаги контейнерларга зичланган миший чиқиндиларни полигонларга олиб бориш учун б 6 та махсус мультилифт техникаси сотиб олиш учун инвестиция киритилади.

Чиқиндиларни қайта юклаш станцияси

Сирдарё вилоятида ҳосил бўлаётган миший чиқиндиларни махсус чиқинди ташувчи техникалар ёрдамида, лойиҳа доирасида ишга туширилиши режалаштирилаётган чиқиндиларни қайта юклаш станцияга олиб келиш орқали, ушбу ҳудудда чиқинди полигонига бўлган эҳтиёжни йўққа чиқаради. Бу эса туман экологик вазиятини яхшилашга катта хизмат қиласи. Бунинг учун туманнинг чиқинди полигонига йўналиши қулай бўлган ҳудуддан 0,50 дан 30 ГАча бўлган ерга эҳтиёж туғилади. Мазкур ажратилган жойга бир вақтнинг ўзида миший чиқиндиларни қайта юклаш технологиялари ишга тушириш режалаштирилган. Сирдарё вилояти аҳоли сони ва чиқиндиларни тўпланиш меъёрларини хисоб-китоб қилган ҳолда кунига 100 тонна миший чиқиндиларни қайта юклаш имкониятига эга бўлган 1 та чиқиндиларни қайта юклаш ускунаси учун инвестиция киритилади.



Чиқиндиларни саралаш линияси

Сирдарё вилояти аҳоли сони ва чиқиндиларни тўпланиш меъёрларини хисоб-китоб қилган ҳолда йилига 200 тонна майший чиқиндиларни саралаш имкониятига эга бўлган 1 та чиқиндиларни саралаш линияси учун инвестиция киритилади.



5.4 Лойиҳанинг ҳал қилувчи кўрсаткичлари, компонентлари, шунингдек, уларнинг ҳисоб-китоб қилинган қийматлари

Жадвалда келтирилган асосий воситалар билан таъминланса, Сирдарё вилоятида ахолини майший чиқиндиларни ташиб кетиш хизмати билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга чиқарилади.

<i>Номи</i>	<i>Давлат ташкилотидаги асосий воситалар сони</i>	<i>Хусусий шерик томонидан лойиҳага киритиладиган асосий воситалар сони</i>
Чиқинди саралаш комплекси (йилига 200 минг тонна қувватга эга бўлган)		1
Чиқиндиларни қайта юклаш станцияси		6
Компактор	1	
Чиқинди ташувчи (Исузу) 7м ³ ҳажмли	65	
Чиқинди ташувчи (HOWO) 8м ³ ҳажмли		35
Самосвал 25 т.	8	
Фронтал автоюклагич	6	
Мультилифт	9	
Махсус техника Мультилифт (Қайта юклаш станцияси учун)		6
Ассенизатор	9	
Бульдозер	3	
Чиқинди йиғиш майдончалари		50
Чиқиндилар учун контейнерлар		500

6. Экологик бўлим

6.1. Лойиҳанинг атроф-муҳит ҳолатига таъсири

Ҳозирги вақтда чиқиндиларни қайта ишлаш долзарб, истиқболли ва умуман муҳим йўналиш ҳисобланади. Бунинг долзарблиги нафақат йўқ қилиниши талаб қиласидан чиқиндилар ҳажмида, балки яқин келажакда ушбу ҳажмларнинг жиддий пасайишига умид қилишнинг ҳожати йўқлигини ва сайёрамизнинг ўзини ўзи тиклаш манбаи чексиз эмаслигини англашдадир. Ушбу йўналишнинг аҳамияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилаш бўйича аниқ талаблар билан изоҳланади, чунки ифлосланиш кирадиган экотизимларнинг заҳарланиши катта зарар етказади, аммо чиқинди уюмлари ва чиқиндихоналар эгаллаган майдонларнинг ўсиш хавфи камроқ. Ўз навбатида, катта миқдордаги руҳсатсиз ахлатхоналар турли хил касалликлар, шунингдек уларни ташувчилар ва атрофдаги экотизимларга жиддий зарар етказиши мумкин бўлган турли хил ҳайвонлар учун жой бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, асосан чиқиндиларнинг моҳияти, унинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга таъсири тўғрисида хабардорликни ошириш орқали кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш керак.

Ушбу мақсадга эришиш учун қўйидаги мақсадли вазифаларни бажариш керак:

- ҚМЧни бошқариш соҳасидаги масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ахборот учрашувлари, семинарлар, тренинглар ва "давра сұхбатлари" ни ўтказиш;
- ҚМЧни бошқариш соҳасидаги долзарб масалаларни, шу жумладан чиқиндиларни алоҳида йиғиши, мавжуд муаммоларни ва уларни ҳал этиш йўлларини, шунингдек аниқ мақсадли ижтимоий гурухларга (болалар, талаба-ёшлар, уй бекалари, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси) йўналтирилган масалаларни оммавий ахборот воситаларининг босма ва электрон қўринишларида кенг ёритиш;
- маҳсус чиқинди оқимларини йиғиши ва қайта ишлаш тизимларини жорий этиш учун ҳар бир минтақада йиғиши пунктларини яратиш (таркибида симоб мавжуд чиқиндилар, шина чиқиндилари, ишлатилган батареялар, чиқинди мойлар, қадоқлаш чиқиндилари ва бошқалар);
- чиқиндиларни йиғиши пунктлари ва ижтимоий обьектларни контейнерлар билан жиҳозлаш;
- қайта ишланадиган чиқиндиларни саралаш учун қулайликлар яратиш – ҳар бир вилоятда кунига 4,9 минг тонна ишлаб чиқариш қуввати билан;

- завод чиқиндиларини қайта ишлаш корхоналарини яратиш (компостлаш технологияси бўйича) - корхонанинг ҳар бир ҳудудида кунига 2,4 минг тонна ишлаб чиқариш қуввати билан;
- бозорда сотиш учун қайта ишланадиган материалларни ажратиш;
- кейинчалик маҳсулотни бозорда сотган ҳолда, компост материал сифатида фойдаланиш учун биомассани ҚМЧ дан ажратиш;
- чиқиндиларнинг калория қийматидан фойдаланган ҳолда ёқилғидан олинадиган энергияни алмаштириш;
- ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг умумий миқдоридан полигонларда кўмиш учун ҚМЧ ҳажмини 95% дан 54% гача камайтириш;
- қайта ишланадиган иккиламчи хом ашёни сотишдан эришиладиган даромадларинг даражасини оширишни таъминлаш.

Полигонларнинг экологик хавфини инобатга олиш ниҳоятда муҳим. Чиқиндиҳоналар кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради, жумладан, улар орасида касалликка олиб келадиган каламушлар, заарли ва бадбўй метан газининг чиқиши, сувга тушадиган заҳарли балчик – фильтратлар бўлади. Чиқинди билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга оқилона ёндашган ҳолда, бу муаммоларнинг барчасининг олдини олиш мумкин. Чиқиндини уюм қилиб йиғиши ўрнига анчадан бери бошқа усувлар ихтиро қилинган. Улардан бири чиқиндиларни пиролиз ёрдамида қайта ишлашдир.

6.2 Экология ва атроф мухитга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар

Мамлакатимизда атроф-мухитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёsat амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2017-2018 йилларда қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди, 13 та санитария тозалаш давлат унитар корхоналари ҳамда уларнинг туман ва шаҳарлардаги 172 та филиали, шунингдек, 9 та майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари ташкил этилди. Кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг деярли ярмини санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан қамраб олинишига имкон берди.

Шу билан бирга қишлоқ аҳоли пунктларида қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги, қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ

ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилманинг қониқарсиз ҳолатда эканлиги, мавжуд қаттиқ майший чиқинди полигонларининг санитария талаблари ва экологик меъёрларга мувофиқ келмаслиги мазкур соҳада комплексли чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этмоқда.

Қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича самарали тизимни яратиш, уларнинг фуқаролар соғлиғи ва атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартараф қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

Кўйидаги асосий вазифаларни амалга оширишни назарда тутувчи, 2019 – 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) тасдиқланди:

- аҳолининг қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга йўналтирилган санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш;
- қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш;
- полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ майший чиқиндилар ҳажмини камайтириш, санитария ва экологик меъёрлар талабларига мувофиқ келадиган замонавий қаттиқ майший чиқинди полигонларини яратиш, шунингдек, мавжуд полигонларни ёпиш ва рекультивация қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;
- санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида нархлар шаклланишини такомиллаштириш ва тарифларни оптималлаштириш;
- қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектларидан муқобил энергия манбалари сифатида фойдаланиш.

7. Институционал бўлим

Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчилар давлат шериги ва хусусий шерик ҳисобланади. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кўриб чиқиш ишчи гурӯҳи лойиҳани қўриб чиқади ва амалга оширишга қарор қиласиди.

Хусусий шерик мавжуд ва содир бўлиши мумкин бўлган рискларни ўз бўйнига олган ҳолда лойиҳага ўз инвестицияларини жалб қиласиди.

Лойиҳа ишга туширилгандан кейин харажатлар, фойда ва мажбуриятлар хусусий шерик аъзолари ўртасида тақсимланади.

7.1 Лойиҳани бошқариш

Мазкур лойиҳани бошқариш, талабгор корхона томонидан амалга оширилади. Бошқарув корхонанинг устави ёки шунга tengлаштирилган ҳужжати орқали бўлади.

Корхонанинг эгаси (таъсисчи) бошқарув учун директор тайинлайди. Директор ўз ўрнида маъмурият ва ишчи бўлимни тайинлайди. Ҳужжатлар алмашинуви ёки қарорлар ижроси қуидаги схема орқали амалга оширилади.



7.2. Лойиҳанинг ҳуқуқий асослари

Лойиҳанинг ҳуқуқий асослари сифатида қўйидаги манбаларни кўрсатиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида» ги Қонуни (05.04.2002);
- Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида» ги Қонуни (10.05.2019);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «2019-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғли ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарори (ПҚ-4291-сон);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Хусусий тиббиёт ташкilotларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида» ги Қарори (ПҚ-3450-сон);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги «Майший ва қурилиш чиқиндилари билан ишлаш соҳасида фаолиятни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори (№ПҚ-4845).

Қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмишнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитга заарли таъсирини олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш Давлат дастури тўғрисида" ги фармонида ҳам кўзда тутилган.

7.3. Шерикларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва мажбуриятлар тақсимоти

Сирдарё вилоятида қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш кластер хизматларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида бошқариш лойиҳаси доирасида давлат шериги сифатида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳозирда ўз балансида мавжуд бўлган чиқинди ташишга мўлжалланган маҳсус техникалар ва бошқа асосий воситаларни битим муддатига қадар хусусий шерикка фойдаланишга топширади.

Хусусий шерик эса лойиҳа учун зарур бўлган ва илова қилинган ҳужҷатларда кўрсатилган миқдордаги ва сифатдаги маҳсус техникалар ва асосий воситаларни харид қиласди. Ҳамда лойиҳа давомида ушбу воситалардан ўзининг давлат шериги олдидаги мажбуриятларини бажариш (туманда аҳолидан чиқинди йиғиш қамровини 100 фоизга етказиш) мақсадида фойдаланади.

7.4. Институционал хавф-хатарлар

Институционал хавф-хатарлар ҳам давлат шериги томонидан, ҳам хусусий шерик томонидан юзага келтирилиши мумкин. Институционал хавф-хатарлар компания ёки таъминот занжирининг бошқаруви ва стратегиясидаги ўзгаришларни ўз ичига олган ҳодисалар ҳисобланади.

Давлат секторидаги институционал ўзгаришларга мисоллар давлат миқёсида қонунчиликнинг ўзгариши, миллий сиёsat ва бу соҳага қаратилаётган стратегиянинг қайтадан кўриб чиқилиши бўлиши мумкин. Хусусий сектордаги институционал хавф-хатарлар эса компанияни қайтадан ташкил қилиш, уни бошқа компания билан бирлаштириш, бозор конъюнктурасининг ўзгариши ва технологик ютуқлар қўринишида намоён бўлиши мумкин.

Давлат шериги томонидан юзага келиши мумкин бўлган институционал рисклар даражаси ниҳоятда паст. Чунки ҳозирги кунда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига ҳам ҳукумат даражасида, ҳам жамоатчилик даражасида эътибор қаратилмоқда. Бирор жойда содир бўладиган экологик қонун бузилиш ҳолатлари жамоат фаоллари эътиборидан четда қолмаяпти ва ушбу масалага ҳукумат номидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ўз вақтида муносабат билдириб, тегишли чоралар кўрмоқда.

Хусусий шерик ҳамда эркин бозор муҳити томонидан рўй бериши мумкин бўлган институционал хавф-хатарлар учун корхона ва аввал бошда унинг раҳбари тайёргарлик кўриши лозим. З-бўлимда ёзилганидек, корхонанинг стратегик ривожланиши ва корхона бош мақсадини ишлаб чиқиши тўғридан-тўғри директорнинг вазифалари сирасига киради. Бозордаги ўзгаришларни вақтида пайқаш, унга кириб келаётган янги ўйинчиларнинг техник ва иқтисодий имкониятларини тўғри баҳолаш, соҳага доир технологик янгиликларни кузатиб бориш ва зарур пайтда улардан унумли фойдаланиш орқали юзага келиши мумкин бўлган институционал хавф-хатарларни олдини олиш ёки минимум даражага тушириш мумкин.

8. Архитектура-қурилиш бўлими

8.1. Қурилиш майдони (трассаси)нинг шаҳарсозлик талаблари

Сирдарё вилояти Республикасининг марказидан шарқ қисмida жойлашган. Вилоят ҳудудидан ҳалқаро аҳамиятга эга M-39 ва M-34, қолаверса A-376 йўллар кесиб ўтган. Лойиҳа бўйича Сирдарё вилоятида 50 та чиқинди йиғиш майдончалари қуриш режалаштирилган. Барча чиқиндилар йиғилиб ва сараланиб бўлингач, қайта юклаш станциясидан Сайхунобод туманидаги полигонга жўнатилади.

8.2. Архитектура-режалаштириш лойиҳалари

Мазкур лойиҳа доирасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 – 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-4291сонли Қарорига асосан, Сирдарё вилояти қаттиқ майший чиқиндиларни янги ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман қаторига киради. Йиғилган ҚМЧ Сирдарё вилояти йиғилиб саралангандан сўнг, қайта юклаш станцияларидан Сайхунобод, Мирзаобод ҳамда Сардоба туманларидағи полигонларга жўнатилади.

9. ДХШ тўғрисидаги битимнинг тузилмаси

9.1. ДХШ моделлари учун варианatlарни баҳолаш, тўлов механизми ва давлат даромадларини қўллаб-куватлаш

Давлат-хусусий шериклик битимидағи келишувга асосан, лойиҳанинг умумий қиймати **41 169 139,59** минг сўм бўлиб, бунга қўшимча равишда давлат шериги томонидан 42 551 645,70 минг сўмлик асосий воситалар тақдим этилади.

Давлат шериги томонидан тақдим этилаётган асосий воситалар хусусий шерик бўлишга талабгорга лойиҳа даврида вақтинчалик фойдаланишга топширилади, фақат давлат шеригининг мавжуд техникалари, бугунги кундаги баҳоланганд қийматида 7 йилга бўлиб тўлашга берилади. Давлат шериги мазкур лойиҳа бўйича қуидаги жадвалда қўрсатилган асосий воситаларни тақдим этади.

<i>Махсус техника тури</i>	<i>Махсус техника русуми</i>	<i>Сони</i>
Компактор		1
Чиқинди ташувчи (Исузу) 7м ³ ҳажмли	ISUZU	65
Самосвал 25 т.	XCMG	8
Фронтал автоюклагич	XCMG	6
Мультилифт	ISUZU	9
Ассенизатор	ISUZU	9
Бульдозер	Y CTO	3

Бундан ташқари, юқорида айтилган чиқинди йиғишини 100%га чиқариш учун талабгорга қуидаги асосий воситалар давлат шериги томонидан тақлиф қилинади.

Асосий восита тури	Тақлиф этилаётган нарх (сум)	Сони
Чиқиндиларни саралаш линияси	10 452 000 000	1
Чиқинди қайта юклаш станцияси	590 000 000	6
Чиқинди ташувчи техника	450 000 000	35
Махсус техника мультилифт	650 000 000	6
Чиқинди йиғиш шахобчаси	70 000 000	50
Чиқинди учун контейнерлар	4 300 000	500

10. Давлат томонидан тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш турлари

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун талабгордан давлатнинг тегишли органидан рўйхатдан ўтган бўлиши, ўзининг муҳрига эга бўлиши етарли ва қўшимча сертификат ва лицензия талаб қилинмайди.

10.1. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган активлар ва мол-мулк тарзидаги қўйилмалар

Давлат шериги лойиҳани амалга ошириш истагида бўлган талабгорга тақлиф этилган асосий воситалардан ташқари талабгорга тендерда қатнашиш учун Давлат шериги томонидан талабгорнинг молиявий талабларини бажаришига ишонч ҳосил қилиш учун 30 000 000 сўм миқдорида гаров суммаси ҳам талаб қилинади.

10.2. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида бюджет маблағлари

Сирдарё вилоятидаги ушбу лойиҳага бюджет маблағларидан молиялаштириш кўзда тутилмаган.

11. Лойиҳани амалга ошириш режаси

11.1. Маркетинг режаси

Лойиҳанинг муваффақияти кўп жиҳатдан маркетинг сиёсатига боғлиқ бўлади. Шунинг учун қуйидаги режаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- рақобат муҳитига тез кириш ва бозор улушини олиш;
- мижозларнинг барча истакларини инобатга олишни назарда тутадиган ижобий имидж яратиш;
- барқарор савдо ҳажмини таъминлаш ва кафолатланган фойда олиш.

Асосий стратегия қайта ишлашга яроқли материаллардан ўз ишлаб чиқариши учун фойдаланадиган корхоналар билан барпо этиладиган узоқ муддатли ҳамкорликни яратишдир. Барқарор алоқаларнинг мавжудлиги хом ашёни сотиш кафолати ва янада қулай форматда ҳамкорлик қилиш имкониятидир.

Доимий ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш учун бозорга одатдагидан уч-беш фоизга арzonроқ маҳсулотлар билан чиқиш режалаштирилган. Кўриниб турибдики, бундай ҳамкорлик ҳар қандай корхона учун янада фойдали бўлади ва келажакда хомашё нархини бироз ошириб юбориш мумкин бўлади.

Савдо 100% олдиндан тўлов асосида амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, кейинги иш пайтида тўғридан-тўғри омбордан хом ашёни олиш учун шароитларни жорий қилиш мумкин - бу унинг нархини пасайтиради.

Бундай ҳолатда реклама маҳсус харажатларни талаб қилмайди, аммо ижобий имиджни олиш ва потенциал мижозларни хабардор қилиш учун анъанавий маркетинг усулларидан фойдаланилади.

11.2. Лойиҳани ишлаб чиқиш, амалга ошириш муддатлари ва графики

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун талабгор мавжуд асосий воситалардан фойдаланиб ишни бошлиши ва тушумлардан давлат шериги қўйган талабларни бажаришни бошлиши лозим. Лойиҳанинг прогнозланган даромадларини ҳисобга олган ҳолда, давлат шериги қуйидаги лойиҳани амалга ошириш графигини тавсия қиласди:

Амалга ошириладиган иш турлари	Давр			
	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил
Лойиҳалаш смета хужжатларини тайёрлаш	25 000			
Чиқинди йиғиш шахобчалари қуриш		2 150 000		
Чиқинди ташиб машиналари харид қилиш	19 650 000			
Чиқинди контейнерлари харид қилиш		3 500 000		
Чиқинди қайта ишлиш ускуналари харид қилиш			13 992 000	
Бошқа турдаги махсус техникалар харид қилиш	400 000			

11.3. Асосий манфаатдор томонлар ва уларнинг лойиҳани амалга оширишдаги роли

Сирдарё вилоятидаги мазкур лойиҳанинг асосий манфаатдорлари Сирдарё вилоятининг аҳолиси ҳисобланади. Лойиҳа туманда ҚМЧ йиғилиши ва туман озодалигига сабаб бўлувчи асосий туртки сифатида хизмат қиласи.

Давлат шериги лойиҳа якунида электронлаштирилган тўлов ва қарздорликлар маълумот тизимга эга бўлади. Қолаверса, ташкил этилган чиқинди йиғиш майдонлари ва контейнерлар ҳам давлат ихтиёрида қолади.

10 йил лойиҳа давомида аҳоли ва юридик шахслардан тушадиган тушумдан ва сараланган чиқиндиларнинг иккиламчи хом ашёларини сотищдан тушадиган тушумдан даромад қилиши режалаштирилган.

Хулоса

Сирдарё вилояти қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш лойиҳасининг кутилаётган таъсири туман атрофини ва минтақа аҳолиси учун ҳаёт сифатини яхшилаш ҳисобланади. Хизматлар ва қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш яхшиланади, бу эса уй хўжаликларини нафақат кўрсатилаётган хизматлардан, балки тарифлар ва тизимнинг бошқа жиҳатларидан қоникиш даражасини оширади. Ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси чиқинди йиғишни яхшилаб, ишни назорат қилиш ва чиқинди ташийдиган транспорт воситаларининг ҳаракатланиш жадвалини яхшилайди. Бу, ўз навбатида, туман аҳолиси томонидан экологик ва ижтимоий ёндашувларни қабул қилишни кучайтиради.

Чиқиндиларни бошқариш бўйича билимларни ошириш уй шароитида, айниқса, аёллар ва болаларнинг саломатлиги ва гигиенасини яхшилашга ҳисса кўшади. Яхшиланган чиқиндиларни йиғиш жараёни соғлик учун жиддий экологик хатарлар хавфини камайтиради.

Лойиҳанинг иқтисодий фойдаси туман ҳудудида чиқиндиларни йўқ қилиш ҳамда қайта ишлаш билан боғлиқ хизматлар самарадорлигини доимий ошириб бориш билан боғлиқ. Бу эса тадбиркорга моддий кўринишида наф келтиради, давлат шериги учун эса экология ва атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларнинг камайишига олиб келади.

Лойиҳани амалга ошириш қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш станцияларини қуриш ҳамда чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишни рационализация қилиш орқали қаттиқ майший чиқиндиларни бошқаришда тўғридан-тўғри самарадорликни оширади.

ИЛОВАЛАР